*ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ТАЖРИБА, ИЗЛАНИШ, МУАММО*

# ОҚ ТОЛАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Буни ўз вақтида англаб етган корхона жамоаси боқимандалик кайфиятидан тобора халос бўлиб, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини изламоқда. Зеро, рақобат замонавий бозорнинг темир қонуниятларидан биридир. Айниқса, 1994 йилда комбинат очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ишлаб чиқаришда туб ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолни, энг аввало, тўқувчилар, калаваловчилар, пардозловчилар, муҳандис-техник ходимлар ўртасида мулкка ва меҳнатга янгича муносабатнинг қарор топаётганида кузатиш мумкин. Қолаверса, молия-хўжалик соҳасида амал қилаётган иқтисодий эркинликни айтмайсизми! Ҳа, мулк шаклининг ўзгариши жамоа аъзоларига маънавий руҳ бағишлаб, уларда ўз куч ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаяпти. Шунинг учун ҳам «арава»ни тортиш унчалик қийин кечаётгани йўқ. Мамлакат истеъмол бозорига тобора кўп ва ранг-баранг тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилаётганлиги фикримиз далилидир. Номма-ном санайдиган бўлсак, уларнинг тури ўттиздан ошади: чит, сатин, марли, ғалтак ип, чойшаб, кўрпа-ёстиқ жилдлари, тайёр кийим-кечаклар ва ҳоказо.

## МАНФААТДОРЛИК ПИРОВАРД НАТИЖАГА БОҒЛИҚ

Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳмуджон Узоқовни анчадан бери биламан. Жамоа манфаати йўлида ўзини аямайдиган, тиниб-тинчимас раҳбар. Яқинда хизмат юзасидан корхонада бўлганимда, котиба аёл бошлиқ «техник кенгаш» ўтказаётганини айтди. Кутдим. Сўнг ўртамизда қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

-- Биласизми, ҳозирги кунда бизнинг олдимизда турган асосий масала нима? Цехлардаги мавжуд дастгоҳлар, асбоб-ускуналар 50--60 йил муқаддам ўрнатилган. Кўпчилиги эскириб, хизмат муддатини ўтаб бўлган. Уларни янгиламасдан туриб, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш мушкул, албатта. Эндиликда хориж билан ҳамкорлик қилмаган корхонанинг келажаги йўқлигини ҳаёт тажрибаси кўрсатиб турибди. Акс ҳолда, у ё синади, ёки қолоқлар қаторига тушиб қолиши аниқ. Шуни назарда тутиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ чет эллик ишбилармонлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтираяпмиз. Зеро, манфаатли ҳамкорликдан ҳеч ким ютқазмайди, аксинча, ютади. Европа ва Осиё қитъаларидаги бир қатор мамлакатлар, дейлик, Италия, Германия, Япония, Россия, Литва, Украина, Қозоғистон билан доимий олди-бердимиз бор. Савдо обороти ўсиб бормоқда. Иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, хориж билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда республика ҳукумати, қолаверса, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси раҳбарияти яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бултур чет эллик шерикларимиз яна биттага кўпайди. Англиянинг «Кросрол ЛТД» фирмаси билан янги бизнес-лойиҳа устида иш олиб бораяпмиз. Харажатларнинг асосий қисмини инглиз банки ўз зиммасига олган.

-- Фикрингизга қараганда, маҳсулот савдоси тезлашиб, корхона хазинасида валюта тушуми кўпаяр экан-да?

-- Шундай деса ҳам бўлади. Ўзбекистон -- пахтакор республика. Бу, шубҳасиз, тўқимачилик саноатини изчил ва барқарор ривожлантиришда чексиз имкониятдир. Собиқ иттифоқдош республикалардаги аҳволдан хабардорсиз: маошнинг тайини йўқ, кўпгина минтақаларда ишлаб чиқариш издан чиққан...

Шу билан мулоқотни якунласа ҳам бўлар эди. Қаламкаш эмасманми, суҳбатдошимни «қўзғаб», мунозарага чорламоқчи бўлдим:



-- Ўзингиздан қолар гап йўқ, сарф-харажатларни камайтириш учун бўлса керак, баъзи корхона ва ташкилотларда штат қисқартириш, ходимларни ишдан бўшатиш ҳоллари учраб туради. Демакки, ишсизлар сони кўпаяди. Ҳозирги иқтисодий шароитда бу усул ўзини оқлармикин?

-- Бошқа жойларда аҳвол қандай -- билмадим. Шунинг учун ўз корхонамиз мисолида гапирмоқчиман. Юқорида таъкидланганидек, байналмилал жамоамизда 12 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Демак, яқин 35--40 минг кишининг ризқ-насибаси, тирикчилиги корхона тақдири билан боғлиқ. Бошқарув раҳбарияти уларнинг уволию савобига жавобгардир. Шу боис ижтимоий ҳимоя, дам олиш ва даволаниш, спорт-соғломлаштириш масалаларида маблағни аямаяпмиз. Бизда ўртача ойлик 7,5-8 минг сўм, 10-15 минг оладиганлар ҳам бор.

Кейинги йилларда мавжуд цехларни кенгайтириш, қувватлар самарадорлигини ошириш ҳисобига кўплаб янги ишчи ўринлари вужудга келтирилди. Тикувчилик фабрикасини ташкил этдик. Ҳозир бу ерда дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Демоқчиманки, штат «қисқартириш» биз учун ёт. Жамоани бут, тўрт кўз тугал ҳолда сақлаб келаяпмиз. Малакали ва серғайрат ёшлар учун эшигимиз ҳамиша очиқ.

Биз энди четга хомашё эмас, фақат тайёр маҳсулот сотишимиз лозим. Бу -- жаҳон тажрибасида синалган йўл. 1995 йилда дастлабки акцияларни чиқардик. Нархи унчалик қиммат эмас. Аксариятини ходимларимизнинг ўзлари сотиб олишди. Эндиликда акция савдосини кенгайтириш, белгиланган меъёрий низом асосида умумий фойдадан дивиденд ажратиш масаласи устида ўйлаяпмиз.



## «ОЛТИН ГЛОБУС» ЁКИ МАҲСУЛОТ СИФАТИГА АМЕРИКАЧА БАҲО

***ДАЛИЛ. Юқоридаги мулоҳазаларни тингларканман, «Труд» газетасида босилган (1997 йил 4 февраль) бир мақола ёдимга тушди. «Жар ёқасида» деб номланган ушбу мақолада айтилишича, Россия енгил ва тўқимачилик саноати ҳозирги кунда чуқур таназзулни бошдан кечирмоқда. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида Москва арзон хомашё (жумладан, пахта толаси) манбаларидан амалда маҳрум бўлди. Бу эса тармоқни жар ёқасига олиб келганлиги шубҳасиз. Россия енгил ва тўқимачилик саноати ходимлари касаба уюшмаси ташкилоти раиси Т. Соснинанинг гувоҳлик беришича, иқтисодий ислоҳот йилларида 600 мингдан зиёд тўқимачи ўз иш ўринларини йўқотган. Ҳозир мамлакатнинг тўқимачиликка ихтисослашган ҳудудларида бир ўринга 180 киши даъвогарлик қилмоқда. Ўртача ойлик маош -- 429 минг рубль. Бу яшаш учун талаб қилинадиган «минимум» иш ҳақидан қарийб икки баравар камдир. Тармоқдаги 80 фоиз корхона банкротлик хавфи остида. Ўтган йил ҳисоби бўйича ҳукумат тўқимачилардан 524 млрд. рубль қарздор...***

Начора, рақамларнинг «тили» аччиқ: оқни оққа, қорани қорага ажратади-қўяди. Гап рақамларда ҳам эмас. Россия ўз «жароҳат»ларига даво тополмай турган бир пайтда, мустақил республикамизда мавжуд муаммолар қадам-бақадам бартараф этилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига эришилаётганлиги, экспорт имкониятлари кенгайиб бораётганлиги кишини мамнун этади. Бу танлаб олинган бош йўлимизнинг тўғрилигидан, молия-хўжалик соҳасида оқилона иқтисодий сиёсат юритилаётганидан далолат эмасми?

...МЕҲНАТКАШ инсонга гуфтигў айтманг, ҳамду сано ўқиманг -- ишлашига имкон беринг, серқадоқ қўлларини кўзга суртинг. У ана шундай ардоққа лойиқ. Денгизни ҳовучга сиғдириб бўлмайди. Юрак ҳам бамисоли денгиз: унинг сершитоб ва серхитоб мавжлари аро ҳаёт нафаси оқади. Демоқчимизки, Тошкент тўқимачилик корхонасининг шуҳратини ошираётганлар -- одамлар. Уларнинг ҳаммасини номма-ном санаб бўлмайди. Зеро, байналмилал жамоада илғорлар, ишчизодалар жуда кўп. Айтайлик, донгдор тўқувчи Дилбар Қулматовани ким билмайди, дейсиз? У чорак аср бир касбда меҳнат қилиб, тилсиз дастгоҳлар билан «сир»лашди, тақдирини оқ толанинг ойдин йўлига улади, юзлаб шогирдлар етиштирди. Шимёновлар жамоа ўртасида тўқимачилар сулоласи сифатида танилган. Кўп йил мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаган Валентин Шимёнов айни кунда меҳнат фахрийси, нафақахўр. Аммо бу ерга тез-тез келиб, касбдошлари билан гурунглашишни хуш кўради. Рафиқаси Валентина Шимёнова ўз меҳнат фаолиятини калаваловчиликдан бошлаган эди. Бугун эса корхонада бош муҳандис. Умрининг қирқ йилини қадрдон жамоа манфаати йўлида бахшида этган бу фидойи, жонкуяр аёл учун 1996 йил алоҳида мазмунга эга. Юртбошимиз фармонига асосан, бир гуруҳ меҳнат илғорлари қатори «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Евгений Шимёнов -- сулоланинг кенжаси. У ҳам ота-она изидан бориб, ўз соҳасида юқори натижаларга эришаяпти. От ўрнини той босар, деганлари шу-да.

***ИЗОҲ. Корхона жамоаси ўртасида қарор топган аҳиллик, доимий изланиш, иш ва бурчга онгли муносабат ўз самарасини бераяпти. Ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, баъзи жойларда бўлганидек, омборларда чанг босиб ётгани йўқ. Аксинча, қўлма-қўл бўлиб кетаяпти. Комбинат Марказий Осиё ҳудудидаги турдош корхоналар орасида биринчи бўлиб америкалик тадбиркорлар томонидан таъсис этилган «Олтин глобус» совринига лойиқ кўрилганлиги бежиз эмас. Бу, шубҳасиз, тошкентлик тўқимачилар меҳнатига берилган муносиб баҳодир.***

## БОЗОРНИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ

Одатда қанча ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор конъюктураси белгилайди. Нега десангиз, янги иқтисодий-мулкий муносабатлар туфайли эндиликда харидор учун танлаш имконияти вужудга келди. Сифатсиз матоҳ унга, ва умуман, ҳеч кимга керак эмас. Корхона маъмурияти бозордаги талаб ва таклифни ҳисобга олиб, қувватлар самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш йўлидан бормоқда. Мана, бир мисол. Чарм-галантерия саноати учун зарур бўлган махсус иплар илгари асосан ташқаридан келтириларди. Турган гапки, валюта ҳисобига. Қачонгача четга кўз тикамиз? Наҳотки, республикамизнинг ўзида шу ишни йўлга қўйиш мумкин эмас? Мумкин экан. Мустақилликнинг беш йиллиги арафасида саноатбоп ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги фабрика ўз эшикларини очди. Истеъмол бозорида бу хил маҳсулотга талаб катта. 2000 дан зиёд киши меҳнат қилаётган фабрикада йилига 4000 тонна толани қайта ишлаш, 200 млн. дона шартли ғалтак ип тайёрлаш имконияти мавжуд. Таркибига сунъий тола қўшиб пиширилган бу чайир иплар хорижникидан асло қолишмайди.



***АХБОРОТ. Маълумки, корхонанинг бир маромда, узлуксиз ва узилишсиз фаолият юритиши учун тонна-тонна пахта толаси керак. Пана жой бўлмаганидан, бебаҳо хомашё яқин вақтларгача очиқ ҳавода сақланар, натижада бир қисм маҳсулотнинг сифатига путур етар эди. Маъмуриятнинг саъй-ҳаракати билан бултур хайрли ишга қўл урилди: омборхона усти ёпилиб, ички темир йўл излари ётқизилди. Эндиликда пахта тойлари омборхонага тўғридан-тўғри махсус вагонлар орқали ташиб келтирилмоқда. Шу янгиликнинг ўзиёқ жамоа аъзоларида мулк ва унинг тақдирига жавобгарлик -- хўжайинлик ҳисси ошаётганидан далолат беради.***

Газетхон дўстим, юқорида баён қилинганлардан корхонада барча ишлар рисоладагидек экан-да, деган хулоса чиқарманг. Йўқ, тўқимасозларни қийнаб турган баъзи масалалар ҳам борки, улар ҳақида тўхталмасдан ўтиб бўлмас. Ишлаб чиқаришни тўлиқ замонавий технология асосига ўтказиш пайти аллақачон етган. Аммо кун сайин ошиб бораётган сарф-харажатлар бунга имкон бермаяпти. Натижада маҳсулот таннархи қимматга тушмоқда. Тўқимачилик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Ёки асосий хомашё -- пахта толасини олайлик. Тола етказиб бериш юзасидан республикадаги мутасадди ташкилотлар билан шартномалар имзоланган. Аммо улар гоҳо панд бериб қўйишмоқда. Бунинг оқибатида таъминотда узилишлар юз бераяпти.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ фикрича, маҳсулот тайёрлаш учун толадан ташқари сода, крахмал ва бошқа кимёвий моддалар керак. Улардан ақалли биттаси бўлмай қолганда ҳам, ишлаб чиқариш жараёнига путур етади. Айниқса, сода, крахмал тақчиллиги яққол сезилмоқда. Чунки бу кимёвий моддалар асосан четдан олиб келинади. Хўш, нима қилиш керак?

Тўқимасозларнинг мушкули осон бўладиганга ўхшаб қолди: республика ҳукуматининг амалий ёрдами, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасининг саъй-ҳаракатлари билан крахмал заводи қурилишига киришилди. У ишга тушгач, тармоқда иқтисодий сарф-харажатлар камайиб, самарадорлик икки-уч ҳисса ошиши турган гап. «Тошкент тўқимачилик комбинати» ҳиссадорлик жамияти янги завод қурилишининг ҳам муассисларидан биридир.

## «ИККИ ЙИЛДИРКИ, ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯГА ЎТГАНМИЗ»

-- дейди мини-фабрика раҳбари Абдуқаҳҳор Абдуллаев.

Аслида ҳам шундай. Ишлаб чиқариш -- бу яхлит, мураккаб жараёндир. Унинг самарадорлиги турли иқтисодий омиллар орқали таъминланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, пахтани қайта ишлаш давомида 4-5 хил чиқит -- иккиламчи маҳсулот чиқади. Бу, билган одам учун, текин бизнес. Хорижий сармоядорлар илгари газлама ёки матодан кўра ана шу пахта чиқитларига ишқибоз эди: арзон-гаровга сотиб олишар, кейин уларни тайёр маҳсулотга айлантириб, бир неча ўн баравар қимматига ўзимизга пуллашарди.

-- Ўйлаб кўрсак, бу қип-қизил гўллик экан, -- ҳикоясини давом эттиради А. Абдуллаев. -- Рост-да, ахир, фойдасини бошқалар кўрсин-у, жабрини биз тортишимиз керакми? Йўқ, энди бунақаси кетмайди, жаноблар! 1995 йилдан бошлаб четга иккиламчи маҳсулот сотишни тўхтатдик. Изланса, имкон топилар экан. Сиз кўриб турган ана шу корхона йўқдан бор қилинди, десам ишонаверинг. У собиқ кимё омборхонаси ўрнида ташкил этилди. Янги асбоб-ускуна харид қилганимиз йўқ, эскиларидан амаллаб фойдаланаяпмиз. Комбинат цехларидан чиққан иккиламчи хомашё асосан шу ерда қайта ишланади. Ходимлар билан йиллик шартнома (контракт) тузганмиз. Нормасини бажарган кишига 60 фоиз устама қўшиб берилади. Тола -- иссиқсевар хомашё. Унинг бир маромда эшилиши учун ҳарорат 25--27, ҳаво намлиги 49--50 даража бўлиши лозим. Ишимизнинг нозиклиги ҳам шунда. Фабрика йигирув ва тўқув цехларидан иборат. Ўтган йили 280 тонна калава ип тайёрланди. Нархи 68 сўм турадиган хомашё чиқиндисидан қарийб икки ҳисса кўп -- 120 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Кўриб турганингиздек, чиқинди кераксиз нарса эмас, балки қўшимча бойликдир.

ҲАМРОҲИМИЗ -- жамият касаба уюшмаси ташкилоти раиси С. Саидхонов билан цехларни айланамиз. Дастгоҳлар гувиллайди. Ҳамма ўз машғулоти билан банд. Йигирувчи ва тўқувчи қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Сирасини айтганда, фабрика жамоаси унчалик катта эмас: 150 киши уч сменада навбат билан ишлайди. Айниқса, Н. Турбина, С. Севзихонова, Н. Проскурина, А. Болибекова ўз касбининг ҳадисини олганлардан. Шу боис улар қўлида жило топган маҳсулот ҳамиша юқори баҳоланади.

-- Бундай шовқин-суронда ишлаш қийин эмасми?

-- Йўқ, биз ўрганиб кетганмиз! -- жилмайишади қизлар.

Қулоқларимиз том битиб, ташқарига чиқарканмиз, хушчақчақ оҳангда айтилган юқоридаги сўзларни яна эсладик. Касбидан, ишидан маънавий завқ туядиган кишилар учун ҳар қандай қийинчилик писанд эмас-да. Аслида цехларда шовқин даражасини пасайтириш корхона маъмурияти олдида турган жиддий муаммолар сирасига киради. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳаракат дастурида бу масалага катта ўрин ажратилганлиги бежиз бўлмаса керак. Иш жойларида шовқинни меъёрлаштириш юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилаяпти.

Барча фабрикалар ҳузурида ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари мавжуд. Тошкентда, шунингдек, вилоят марказларида корхонанинг фирма дўконлари ишлаб турибди. 42 та боғчада тўқимасозларнинг мингдан зиёд фарзандлари тарбияланмоқда. Яқинда 9-ишчи ёшлар ётоқхонаси қайта таъмирланиб, 64 оилага хусусийлаштириб берилди. Булардан кўзланган мақсад битта: амалий ғамхўрлик. Токи меҳнаткаш инсон, унинг ҳаётий манфаатлари ишлаб чиқариш соясида қолиб кетмасин.

## ...ВА СЎНГСЎЗ

***Бир той пахтани калавага айлантириш ёхуд бир газ сурп тўқиш учун қанча асаб, нечоғлик ирода ва куч-ғайрат талаб этилишини биласизми? Мен ҳам билмайман. Фақат бир нарсани аниқ биламанки, тўқувчилик -- бу оғир масъулиятни зиммага олмоқдир. Серқадоқ қўллари толса-да, гулдек нозик вужудлари зирқираса-да, ана шу масъулият юкини теппа-тенг кўтариб, элюрт манфаати йўлида эртаю кеч тиним билмайдиган тўқувчи опа-сингилларимни қандай сўзлар ила алқайин?***

***Борми шундай сўз?***

***...Тонглар отиб, шомлар ботади. Кенг, сершовқин цехларда ҳаёт бир нафас тўхтамайди.***

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*ЎЗБЕКИСТОН -- ИТАЛИЯ: ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ*

# АСАКАДА СПАГЕТТИ ТАЙЁРЛАНАДИ

«Федеричи-Асака -Макарон» («ФАМ») Ўзбекистон -- Италия қўшма корхонасида макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал ўзлаштирилмоқда. Ўтган йили Асакада очилган бу корхона ҳозир ўн хилга яқин макарон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон томонидан -- «Асака дон маҳсулотлари» акционерлик жамияти ва помидор пастаси, кетчуп, маъданли сув ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Россия-Британия қўшма корхонаси, Италия томонидан -- «Ака-ука Федеричилар» акционерлик жамияти бу корхонанинг муассисларидир.

«ФАМ» қўшма корхонасининг биринчи навбати қисқа кесилган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган линиядан иборат. Унда бир кеча-кундузда 24 тоннагача маҳсулот тайёрланади. Асакалик уч мутахассис Италиядаги турдош корхоналарда бўлиб, машҳур италян макаронини тайёрлашни ўрганиб қайтди.

Асакаликлар ўз маҳсулотларини республикамизнинг барча вилоятларига жўнатишмоқда. Қулай ўраб жойлаштирилган, ўрамаси чиройли безатилган «ФАМ» макаронлари тезда сотилмоқда. Шу йилнинг охиригача корхонанинг иккинчи навбати ҳам ишга туширилади. Унда «Спагетти» тусидаги узун макарон ишлаб чиқарилади. Иккинчи навбат ишга тушгач, корхона бир кеча-кундузда олтмиш тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариши мумкин бўлади.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# «ҲУҚУҚ ВА БУРЧ»

**Жиззахда нашр этила бошлаган янги газета ана шундай деб номланади**

Мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий тамойилларни қарор топтириш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда. Қонун устуворлигига асосланган одил демократик жамиятни барпо этиш фуқароларнинг ҳуқуқий савияси ва маданиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада оммавий ахборот воситалари, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

Чўлқуварлар макони -- Жиззахда ўзбек ва рус тилларидаги 2 та вилоят, 5 та тармоқ газетаси чоп этилмоқда. Апрель ойидан бошлаб улар сони яна биттага кўпайди: «Ҳуқуқ ва бурч»нинг нишона сони ўқувчилар қўлига тегди. Вилоят прокуратурасининг нашри ҳисобланган ушбу газета офсет усулида, 5000 нусхада босилган бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Дастлабки сонда ёритилган мақолалар ижодий жамоанинг мақсад ҳамда интилишлари қатъийлигидан далолат беради.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Бекмирзаев, Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев «Ҳуқуқ ва бурч»нинг нашр этилиши вилоят ижтимоий ҳаётида ўзига хос воқеа эканини таъкидлаб, янги газета қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, аҳолининг ҳуқуқий билимдонлигини оширишда муҳим восита бўлиб қолажагига умид билдирадилар. Прокуратура органлари прокурор-терговчиларининг қасамёди ҳам ушбу сондан ўрин олган.

Умуман, саккиз саҳифадан иборат «Ҳуқуқ ва бурч»ни варақларкансиз, жиззахлик қонун посбонларининг серташвиш ҳаёти, уларнинг ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлида олиб бораётган ибратли ишлари билан танишасиз, вилоятда юз бераётган муҳим воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўласиз. Газета ўзини ўзи маблағ билан таъминлайди. Йил охиригача унинг ялпи тиражини 10000 нусхага етказиш мўлжалланмоқда. Ўйлаймизки, «Ҳуқуқ ва бурч» газетаси вилоят ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда жиззахлик ҳуқуқ-тартибот ходимларининг яқин маслаҳатчиси ва кўмакдоши бўлиб қолади.

**Т. НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

## ГАЗЧИЛАР ШАҲАРЧАСИДА УЙ ТЎЙЛАРИ

*Ер ости газ омбори қурилаётган Хўжаобод туманида дастлабки ўн оила йирик саноат иншооти яқинида қад кўтараётган шаҳарчага -- янги уйларга кўчиб ўтди. Тез орада яна ўнта уй фойдаланишга топширилади, йил охиригача эса барча қулайликларга эга бўлган камида юзта уй қуриш назарда тутилган.*

*Лойиҳага биноан, газчилар шаҳарчасида 340 тага яқин уй қурилади. Бундан ташқари, ошхоналар, магазинлар, болалар боғчаси, мактаб, шифохона, маданий-маиший бинолар қад кўтаради. Шаҳарчани «Андижонсувқурилиш», «Андижонжамферлойиҳақурилиш» бирлашмаларининг бригадалари ва «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» трестининг 1-механизациялашган колоннаси бунёд этмоқда.*

*Ер ости газ омбори Фарғона водийси аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ қурилмоқда. Ишнинг умумий қиймати тахминан 100 миллион АҚШ долларига тенг. Барча ишлар лойиҳа асосида олиб борилмоқда.*

**(ЎзА).**




*1997 йил кўклами ҳам тарихга айланиб бормоқда. Бу фаслда кўплаб юмушлар амалга оширилмоқда. Айтайлик, шу даврда ўтқазилган дов-дарахтлар ўнлаб, юзлаб, минглаб йил туриши мумкин. Йилнинг бирор фаслига бундай имконият берилмаган. Яқинда Қизилтепа ўрмон хўжалиги аҳли Ўртачўлда 30 гектар майдонга саксовул уруғи сепиб, айни кунларда парваришни бошлашди. Рост-да, саксовулсиз чўл -- чўлми?*

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАШВИШДАН ҚУТУЛИШДИ

*Бўка туманининг О. Йўлдошев номидаги жамоа хўжалигида мавсумда беш минг тоннадан кўпроқ помидорни қайта ишлайдиган корхона фойдаланишга топширилди. Эндиликда деҳқонлар ўз маҳсулотини Пискент ва Янгийўл консерва заводларига элтиб топшириш ташвишидан қутилди. Туман меҳнат биржаси ва Янгийўл «Ситора» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари ташкил этган мазкур янги корхона юз кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Бу ерда пиёз қуритиладиган цех қурилиши бошлаб юборилди.*

**(ЎзА).**

ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА 52 ЙИЛ ТЎЛДИ

# ФАХРЛАНИШ ТУЙҒУСИ

**Фашизм «вабо»сига қарши кураш оловининг тафти, изтироблари хонадонларимизда ҳали сўнганича йўқ. Зеро, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг киши фронтга кетиб, Ватанимизнинг 400 минг сара фарзанди жанггоҳлардан қайтмади.**

Бугунги саодатли кунларда юрт ҳимояси учун жон фидо қилган оталаримиз, боболаримиз қошида бош эгамиз. Фронт ортида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, бағрида «қора хат» доғи ила мардона меҳнат қилган оналаримизни, ота меҳрига тўймаган етимлару умри хазон бўлиб, бевага айланган келинчакларни, албатта, қайғу ҳамда меҳр билан эслаймиз. Улар кўрсатган мардлик, чексиз матонатларидан кўксимизда фахр ҳиссини туямиз. Мана шундай ҳисеётлар, туйғулар оғушида бугун Ғалабанинг 52 йиллигини нишонламоқдамиз.

Гарчи уруш олови Ўзбекистон тупроғини куйдириб ўтмаган бўлса-да, Ғалаба байрами бошқа халқлар қаторида фашизмга қарши уруш жабру ситамини тортган ўзбекистонликлар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади. Уруш олови гирдобида бўлган халқларнинг ҳиссасидан кўз юммаган ҳолда, бу Ғалабада ўзбекистонликларнинг катта улуши борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбек халқи фронт ортидаги ҳалол меҳнати билан ҳам фашист газандаларини тор-мор этишда қатнашганлигидан фахрланади. Шуни айтиш етарлики, уруш йилларида республика корхоналари, заводлари фронтга 2090 самолёт, 17342 авиация бомбалари, 1 миллион 83 минг қўл гранаталари ва бошқа қурол-аслаҳаларни етказиб берди. Фронтга юборилган қурол-яроғнинг умумий вазни 218 минг тоннани ташкил этди.

Юртимиз Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа жанг бораётган ўлкалардан эвакуация қилинган 1 миллиондан ортиқ кишини, болаларни ўз бағрига олди, уларга бошпана берди. Дунё ҳали бундай бағрикенгликнинг, байналмилал дўстликнинг шоҳиди бўлмаган эди. Ота-оналари фронтда ҳалок бўлган юз минглаб болаларни халқимиз ўз болалари каби қабул қилди, уларга меҳр кўрсатди. Етим қолган болаларни тарбиялаш ишлари учун 1942 йил бошида хайрия жамғармаси очилганда, халқимизнинг саховати, болажонлиги яна бир карра намоён бўлди. 1 февралга қадар жамғармага 877800 сўм тушди. Март ойига бориб жамғарма маблағи 2 миллион 74 минг сўмга етди. Халқимиз ўз нонини ярим қилиб, ҳарбий техника қурилишларидан ҳам пулларини аяшмади. Ҳарбий техника қурилиши жамғармаларига ўзбекистонликлар 1943 йилнинг дастлабки уч ойида 369 миллион рубл маблағ тўплаб топширишди. Уруш охиригача у 5 миллиард рублдан ошиб кетди. 1943 йил июнь ойидан бошлаб давлат ҳарбий заёмига обуна бошлангач, республика бўйича обуна суммаси 897 миллион рублни ташкил этди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 1941-1945 йилларда 4,8 миллион тонна пахта, 1,2 миллион тонна ғалла, 54 минг тонна ипак, 450 минг тонна гўшт, 57,7 минг тонна мева, узум ва бошқа фронт учун қимматли маҳсулотларни етказиб берди.

Уруш йилларида фашизм босқинидан озод этилган жойларга қишлоқ хўжалиги, саноатни оёққа турғазиш учун Ўзбекистондан юз минглаб кишилар жўнаб кетди. Хусусан, 1943 йилда Магнитагорск металлургия заводига, Перм магний ва калий заводларига, Иркутск ва бошқа шаҳар корхоналарига 60 минг, Украина, Ставропол, Краснодар ўлкаларига 2 минг киши юборилди. Уларнинг аксарияти инженерлар, техниклар, тракторчилар, шофёрлар эди.

Ғалаба моҳияти шарҳланаётганда, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг бу улушини, фронт ортидаги «жанг» салмоғини алоҳида эътироф этди. Зотан, шу тариқа фронт ва фронторти ягона мушт атрофида жипслашган эди. Бугунги Ғалаба байрами кунида ота-боболаримиз, оналаримизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган жасоратларини фахр билан ёдга оламиз. Зеро, аждодларимизни доим ёдда тутмоқ фарзандлик бурчимиз, фарзимиз ва қарзимиздир.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири,**



*СУРАТДА: бухоролик тракторчи қиз Ф. Сафарова эрта тонгданоқ далага отланмоқда. 1943 йил.*
**Сурат «Халқ сўзи» архивидан олинди.**

АКС-САДО

## «КЎЧАТ НАСИЯ БЎЛСА МАЙЛИ, БОҒ НАСИЯ БЎЛМАСИН»

**(«Халқ сўзи», 1997 йил 4 апрель)**

***Ушбу танқидий-таҳлилий мақола, айниқса, Хоразм вилоятида кучли акс-садо берди. Буни вилоятдаги тегишли идоралардан расмий жавоблар ҳамда айрим ташкилотлардан шунчаки муносабат билдирилган хатлар келиб турганлигидан ҳам билиш мумкин. Қуйида республика «Нуроний» жамғармаси Хонқа тумани бўлими раиси Б. ЖУМАНИЁЗОВ йўллаган мактуб билан танишасиз:***

«Севимли газетамиз бу долзарб масалани айни вақтида кўтариб, тўғри иш қилган. Биз мақолани жамғармамизнинг 27 та қишлоқ маркази ва маҳаллалардаги бошланғич ташкилотлари раислари иштирокида ўқиб, муҳокама қилдик. Намуна қишлоғидан Йўлдош Ҳожиев, Сарапаён қишлоғидан Ёвқоч Абдуллаев, Хоразм қишлоғидан Аҳмаджон Юсупов республиканинг айрим вилоят ва туманларида мевали боғлар барпо этишга сансалорлик, ўзибўларчилик билан қараётганлари хусусида куйиниб гапирдилар ва бу борадаги илғор тажрибаларни ўртоқлашдилар, фойдали таклифларни баён этдилар.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг туманимизда боғдорчиликка эътибор бирмунча дуруст. Навоий номли, «Ғалаба», «Олтин соҳил» ва «Хоразм» жамоа хўжаликларидаги боғларнинг ривожига уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. 140 нафар фахрийнинг бевосита иштирокида 1 миллион 543 минг, шу жумладан, 365 минг туп мевали дарахт кўчати ва 1 миллион 178 минг туп саноатбоп терак қаламчаси экилди. Уларнинг парвариши ҳам фахрийлар назоратида.



Айниқса, томадурвадиклик Йўлдош Ҳожиев хайрли ишлар қилаяпти. Ўтган йили «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ажриқ, буён ва янтоқ босиб ётган 5 сотих ташландиқ ерни чопиб, суғориб, тобга келтириб, 2 сотихга 100 туп терак, қолганига кузги сабзи экди. Тераклар жўягига шолғом уруғини сепди. Натижа ёмон бўлмади, бир тонна шолғом, бир тоннадан зиёд сабзи олди. Яхши парвариш қилинган теракларнинг бўйи ҳозирданоқ 2,5-3 метрга етиб қолди. Бу йил ҳам ғайрат қилди. Сабзининг ўрнига 1000 туп терак, 1000 та турли нав ток қаламчаси, 2000 дона ўрик ва шафтоли данагини экди. Етилган кўчатларнинг бир қисмини боғча, мактаб ва қўни-қўшниларга улашди. Қолганини бозорга чиқариб сотди. Демакки, яна қанчадан-қанча хонадонларни баҳраманд этди.

Бу йил Йўлдош Ҳожиев яна бир савобли ишга қўл урди. Туман марказида барпо этилган «Нуронийлар боғи»га 500 туп ток, 350 туп терак, 120 туп жийда қаламчаси тайёрлаб берди.

Ёшларини яшаб, ошларини ошаб, қарилик гаштини сураётган кексаларимиз шундай хайрли ишлар билан андармон бўлишаётган бир пайтда танқидий мақолада тилга олинган айрим вилоят, туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари, қолаверса, боғбону соҳибкорларнинг ўзлари ҳам мевали боғ ва ёғочбоп дарахтзорлар барпо этишга бу қадар лоқайду беҳафсала эканликлари чинданам кўнгилни ранжитадиган ишдир. Бундай боқибеғамлар ҳеч бўлмаса нуроний кексалардан ўрнак олишса, ёмон бўлмасди».

# УМР ЎЗИ ЎЛЧОВЛИ

***Уруш фахрийси, фалсафа фанлари номзоди Исомиддин Эрбўтаев уруш сўзини тилга олгиси келмайди. Эҳтимол, айни қирчиллама йигит ёшида қон тўкишларни, жон олиб жон беришларни ўз кўзи билан кўргани учундир. Ҳар ҳолда уруш ҳақида гап бораркан, у оддийгина қилиб, «Ҳа деган туяга мадор бўладиган йиллар эдида», деб қўя қолади.***

**-- Кечирасиз-у, баъзи бировлар мен урушда қатнашганман, деб гапиришни хуш кўришади. Сиз эса бунинг акси. Нега шундай?**

-- У йилларни эслагим келмайди, юрагимда оғриқ туриб, санчий бошлайди. Тўрт томондан ажал қуюндай ёпирилиб келарди. Автомат, пулемёт, танк овозлари ҳанузгача қулоғимга эшитилгандай бўлаверади. Кечалари тушимда босинқираб уйғониб кетаман.

Жангни замбаракда мўлжалга олувчи бўлиб бошлагандим. 1943 йилнинг февраль ойида Украинадан кўчирилиб, Саратов шаҳри яқинида жойлаштирилган 2-Киев ўзиюрар артиллерия билим юртига ўқишга юборилдим. Ўқишни битиргач, Курск ёйи, 4-Украина, 1 ва 2-Белорусия фронтларида қатнашдим. Сўнгра Берлиндан 50-60 километр беридаги Одер дарёси қирғоғида бўлган жангларда оғир яраланиб, 1945 йилнинг май ойида Ўзбекистонга қайтиб келдим. Пенсияга чиққунимга қадар Тошкент давлат иқтисодиёт университетида дарс бердим. Хуллас, беш йил давом этган жанглардан даҳшатли манзаралар-у, сал оқсоқланиб юриш аччиқ хотира бўлиб қолди, менга.

**-- Уруш йилларида жангчилар ўз юртидан санъаткорлар ёхуд совға борган кунларни байрам сифатида нишонлашган деб эшитгандим. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.**

-- Ўша даврларда фронт ортидагилар ҳам тиниб-тинчишмаган-да. Мамлакатимиз халқ хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарарни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ўзбекистонлик хотин-қизлар жангга кетган оталари, ака-укалари ва эрлари ўрнига ишга кириб, туну кун ишлашга мажбур бўлишган. Яна оғир меҳнатда толиққанларига қарамасдан, вақт топиб, иссиқ пахталик чопонлар, нимчалар тикиб, қалин жун пайпоқлар, қўлқоплар тўқиб бизга юборишарди. Беш ёшли қизча ўн сўм пул жўнатганди. Ишқилиб, ёнғоқ, майиз, туршак дейсизми, боринг-ки, ҳар ким топганини посилка қилиб дегандай. Бундан биз қувонардик. Гап совғада эмас, бизни эслашларида эди.

Ўлим билан юзма-юз келинган жанглардан сўнг санъаткорлар билан учрашиш, уларнинг қўшиқларини тинглаш катта бахт эди, бизга. Тамарахоним, Коммуна Исмоиловаларни ўз кўзимиз билан кўриб турганимизга ишонгимиз келмасди. Фашизм устидан қозонилган Ғалабада ўзбек хотин-қизлари фронт-концерт бригадасининг муносиб улуши бор. Бригада аҳли 1942 йилнинг августидан 1945 йил майигача ўн икки фронтда 1200 марта концерт намойиш этиб, 800 бор суҳбат ўтказган. Бир оғиз илиқ сўз ҳам жангчиларга куч-ғайрат бағишларди.

**-- Қуролдош дўстларингиздан ҳозирда ҳаёт юрганлари борми?**

-- 1975 йили журналлардан бирида кулиб турган одам сурати кўзимга жуда иссиқ кўринди. Расм тагига Тожикистон Фанлар академияси президенти Муҳаммаджон Осимов деб ёзиб қўйилганди. Юрагим гупиллаб уриб кетди. Дарҳол Душанбега хат ёздим ва қадрдон полкдошим, батарея командирини топиб олдим. Афсуски, у яқинда оламдан ўтди. Яна бир дўстим — санкт-петербурглик Евдокимов эди. Илгари тез-тез кўришиб турардик. Негадир шу кунларда ундан хат-хабар йўқ.

**-- Ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини тотиб кўрган инсон сифатида нималарни орзу қиласиз?**

-- Ер юзидаги ҳар бир хонадонда, ҳар бир мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлишини истайман. Телевизорда Тожикистон ва Чеченистонда бўлаётган воқеаларни кўрарканман, ҳайрон қоламан: наҳотки, инсонлар бирбирларининг қонини тўкишдан чарчашмаса? Шундоқ ҳам умр ўлчовли-ку! Озод Ўзбекистондай осуда юрт фарзанди эканлигимга, ҳар тонгда бехавотир уйғонишимга шукроналар айтаман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**



**Ёшликнинг энг гўзал дамларини жанг майдонида йўқотган, гулрайҳонлар ўрнига порох исини ҳидлаб, урушдан омон қайтган тўрт нафар отахонлар -- чапдан Аҳмад Иброҳимов, Ориф Юсупов, Зокир Толипов, Исмоил Абдуллаев Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманининг «Зарқайнар» маҳалласида яшашади. Бир-бирларини тез-тез йўқлаш, ҳол-аҳвол сўраш, дийдор кўришиш учун доимо вақт топадилар.**

**Биз эса Қаторингиздан хато бўлмасин, бошингиз тошдан бўлсин» деб уларни Ғалаба байрами билан муборакбод этамиз.**

Т. КАРИМОВ суратга олган.

## УРУШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАС, УРУШ КЎРГАНЛАР

*Уруш нима? Сўраб билайин десам,*
*Хаёл кўзгусида кўрайин десам,*
*Бобомга муносиб бўлайин десам,*
*Урушдан сўзламас, уруш кўрганлар.*

*Неча боболарни сўзлатдим кўп бор,*
*Неча момоларни кузатдим кўп бор,*
*Неча китобларга юзландим кўп бор,*
*Урушдан сўзламас, уруш кўрганлар.*

*Яна баҳор келди, унди майсалар,*
*Майсамас, кўксимга ботган найзалар,*
*Қанийди тил битиб бори айтсалар,*
*Урушдан сўзламас, уруш кўрганлар.*

*Ғалаба -- қон кечган авлод фарёди,*
*Хазонга айланган гулларнинг доди,*
*Ғалаба -- жон берган гўдаклар ёди,*
*Унутишни билмас, уруш кўрганлар.*

*Сиз яшанг, душманни енгган боболар,*
*Ўн саккиз минг бахтдан кечган боболар,*
*Шу қутлуғ кунларга етган боболар,*
*Мақтанишни билмас, уруш кўрганлар.*

*Сизлар пок руҳларни йўқлаб туринглар,*
*Кўкдан садо келса кўнмай туринглар,*
*Бизнинг бахтимизга омон юринглар,*
*Урушга йўл қўймас, уруш кўрганлар.*

**Абдураҳмон ЖЎРА.**

## БОТИНКА ПУЛИГА... САМОЛЁТ

Ғиждувон шаҳридаги Тельман номли мактаб ўқувчиларининг жонбозлиги туфайли жанговар самолёт ясалган. Ажабланяпсизми?

Бу воқеа аслида бундай бўлган: иккинчи жаҳон уруши йиллари... Бешинчи синф ўқувчиси (исми-шарифи ҳали номаълум) мактаб директори хонасига кириб, унга уч ярим сўм пулни узатади-да, «Пулимга ботинка сотиб олмоқчи эдим, майли, кейин оларман. Дадам урушда, ҳарбий учувчи. Шу пулни фронтга жўнатинг, дадажонимга янги самолёт ясаб беришсин», -- дейди. Мактаб директори боланинг гапидан таъсирланиб, воқеани бошқаларга ҳам айтади. Шу туртки бўлади-ю, бу ташаббус бутун Бухорога ёйилиб, 225 минг сўм маблағ тўпланади. Вилоят халқ таълими раҳбарлари Марказга шошилинчнома йўллаб, йиғилган пулга «Бухоро ўқувчиси» номли жанговар самолёт ясаб, уни энг моҳир учувчига беришни илтимос қиладилар.

Ўз навбатида Олий Бош қўмондондан вилоят халқ таълими бошлиғи Раҳматов номига келган жавобда ташаккур билдирилди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲР КЕРАК УЛАРГА

***Инсониятнинг ўрганилмаган имконлари ҳақида ўқиганим — бир воқеа бот-бот ёдимга тушаверади:***

«Уч ёшли болакай олдинда, изидан онаси пайдарпай қоялар орасидан ўтиб боришарди. Ногаҳон шиддат билан учиб тушаётган харсангга аёлнинг кўзи тушади. У жон ҳолатда бориб тошни кўтариб қолади ва боласи ўтиб кеттачгина улкан юкни ерга қўяди-ю, ўша заҳоти жон беради.

Шу ерлик аҳоли харсангнинг оғирлигини аниқлашганда, тўрт тоннадан ортиқ чиққан».

Кимгадир бу чўпчакдек туюлар. Бироқ гап воқеанинг афсона ёки ҳақиқатлигида эмас. Она ўз жигаргўшасининг бахти, камоли, ҳаёти учун бундан-да оғирроқ юкни кўтаришга қодир зотлиги рост.

Мирвоҳид ака фронтга кетаётганида, аёли этагида уч боласи ва уч ойлик гумонаси билан қолганди. Йиғлади, сиқтади. Юрагини эзди. Начора?

-- Икки-уч кун Тошкентда бўларканмиз, — Хатира опани юпатди эри. — Эртага бирров келарсан.

Кечаси билан ухламай талқон туйди, жўхоридан бодроқ қилди. Тўқ тутади-да. Эртаси азонлаб казармага бориб билдики, эшелон кечасиёқ фронтга жўнабди. Уйига еттунча йиғлаб борди, шўрлик. Куймай бўладими?! Бу ёқда бир сулувнинг қўлини тутмай, ўн тўққиз ёшли укаси урушга кирса. Тўрт боласини биғиллатиб акасининг кетганига ҳам икки йил бўлди. Энди у эрини сандиққа солиб ўтирармиди? Қўлтиғидаги тугунни супачага қўйди-ю, ҳовли бурчидаги икки путча келадиган кетмонни елкасига олди. Эри шу пайттача унга кетмон ушлатмаган. Аёлнинг ишини қил, дерди омон бўлгур. Биринчи маротаба далага чиқди. Оч қолишдан қўрққанидан эмас, албатта. Ахир, дон-дун етказиб турилмаса, қуруқ ўқ-аслаҳа билан душманни енгиб бўлармиди? Қолаверса, уйга кирса аёл, кўчага чиқса эркак бўлган хотин бир у-ми? Колхозда ишлаганига кунига битта нон беради. Яхшики, одамлар оқибатли. Ким бир қоп буғдой, ким картошка, яна биров тариқ ташлаб кетади. «Ёлғиз қўл» деб сийлашади-да, барака топгурлар.

Бу орада кенжатой туғилди. Чиллаликман, деб ўтирмади. Бели қотиши билан тағин далага чиқди. Аламини меҳнатдан олди. Бир у эмас, бутун юрт аламзада эди. Устига устак, остона ҳатлаб кўчага чиқишга юрак безиллайди. Қора хат олаверганиб биров-бировга мададсўз ҳам тополмай қолган.

1943 йили кеч кузакда почтальон унинг ҳам қўлига бир парча қора хат тутқазиб кетди: «Эрингиз қаҳрамонларча... ҳалок бўлди». Шу йили Хатира опа кетма-кет уч маротаба кўк кийди. Тоғ бўлса чўкарди эҳтимол, бу юкдан. Бироқ бир оиладан тўрт ўғлонини жўнатиб, ҳали юрагида илинж билан яшаб юрган онаи муштипарларни кўрганда шукур, деган нидога суяниб яшади у. Ўттиз ёшида урушнинг оловида куйди. Бир умр тулликни бўйнига олиб яшади. Яхшиларнинг кўмагида болаларининг бошини иссиқдан, оёғини совуқдан асраб, зориқтирмай юртга қўшди.

Бу йил Хатира момо Парпиева 86 баҳорни қарши олди. Келину невара келинлари бағрида кексалик гаштини суриб ўтирибди. Фарзандлари, маҳалладошлари уни табаррук инсон сифатида ҳурмат қилишади.

Зотан, ўз меҳри, меҳнати билан Ватан озодлиги, ободлиги йўлида жонини тиккан оналаримизни, аёлларимизни эъзозламоғимиз ҳам фарз. Улар қаторимизда табора сийраклашиб бормоқда. Меҳр, меҳр керак уларга...

**Қаноат БОЙХОН қизи.**

КИТОБ ВА КИТОБХОН

## ҚАЙДАСАН, РАЪНО?



Аслида менинг кутубхоналар ҳақида ёзиш ниятим йўқ эди. Дарс жараёнида «Меҳробдан чаён»даги Анвар ва Раънонинг шеърий тортишуви зарур бўлиб қолди. Уйимдаги китобни кимдир «ўғирлабди». Шунда вақтни бой бермай дедим-у, маҳалламиздаги (Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида) 3-болалар кутубхонасига йўл олдим.

-- Афсуски, бу китоб йўқ, -- деди кутубхона мудираси Раъно Иброҳимова. -- Бундан уч-тўрт йил илгари бор эди, титилиб йўқ бўлиб кетган...

-- Янги китоблар олмайсизларми?

Менинг ушбу саволим унинг «яра»сига туз сепди чоғи, бирданига дардини тўкиб солди. Унинг гапларини тинглар эканман, ўзимни жуда ноқулай сездим. Гўёки дунёнинг дарду ташвиши шу кутубхонага «қамаб» қўйилгандек эди.

Эсимда қолганлари шу бўлди: кутубхонада 20 мингдан ортиқ китоб бор, шунинг 3 мингга яқини (?) ўзбек тилида. 15 ёшдан 22 ёшгача бўлган 600 нафар китобхони бор. Қишда кутубхона мутлақо истилмайди, демак, тайинли ишламайди ҳам.

Бу зиё масканини бир-бир кўздан кечирар экансан, кутубхоначи аёлнинг ҳасратлари сенга ҳам юқа бошлайди. Мебеллар синган, эскирган, китобхоннинг ўтириб мутолаа қилиши учун стол-стул йўқ. Ҳамма томон таъмирталаб.

-- Кейинги йилларда нашр этилаётган китобларнинг муқовалари жуда юпқа, тезда йиртилиб кетаяпти, -- дейди Раъно опа. -- Яна нархи осмонда. Болалар учун мўлжалланган эртаклар тўплами ниҳоятда қиммат. Жамғармамиз эса буни кўтара олмайди.

Хомуш ҳолда кутубхонадан чиқдим. Лекин «Меҳробдан чаён»ни барибир топишим керак эди. Бу атрофда яна кутубхона борми-йўқми, ўзим ҳам билмас эканман. Йўловчилардан сўраб кўрдим. Улар елка қисишди, ҳатто баъзилари кутубхона излаб юрганим учун истеҳзоли кулиб ҳам қўйишди.

Ва охири топдим. Кираверишда «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш ҳиссадорлик бирлашмаси қошидаги кутубхона» деган ёзувга кўзим тушди.

-- 1965 йилдан буён кутубхонада ишлайман, -- дейди мудира Тамара Егоровна. -- Одам ўрганиб қолар экан, китобларсиз туролмайман. 14,5 мингга яқин китобимиз бор. Асосан бу ерга болалар келишади, уларга ёрдамлашаман. Ҳозир 430 нафар китобхонимиз бор. Шарт-шароитларимиз яхши.

-- Ўзбек тилида ҳам китоблар борми? -- сўрайман ундан.

-- Ҳа, бор. Бир ярим мингдан ортиқ. Қайси китоб керак эди сизга?

-- «Меҳробдан чаён».

-- Мен уларни яхши билмайман. Ана, ўзингиз қаранг.

Ярим соатча китоб титкиладим. Аммо мен излаган китоб йўқ эди.

-- Тополмадим, -- дедим унга.

-- Нима қилай, олти йилдан буён янги китоблар олаётганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, жавонлардаги китобларнинг бари эски. Мен ҳеч қурса Амир Темур, Навоий, Бобур тўғрисида, мустақил Ўзбекистонимиз тарихи ҳақида, ўзбекона урф-одатлар, анъаналаримиз ҳусусида китоблар учратиб қоламанми, деб орзулаган эдим. Афсуски, ундай бўлмади.

Ўша куни мен уззукун «Меҳробдан чаён»ни ахтардим. Қўни-қўшнилардан, таниш-билишлардан сўрадим. Аммо улар ҳам менга ўхшаб ўз «Анвар ва Раъно»ларини аллақачон йўқотишган эди.

Садо бер, қайдасан, Раъно?

**Насиба НОРМЕТОВА,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**
**Тошкент шаҳри.**

# «ҲАВАС» — АЖОЙИБ МУСОБАҚА



# ИККИНЧИ ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

### «Динамо» теннис мажмуидан репортаж

Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида уч кун давом этган «Ҳавас» кубоги учун баҳслар ниҳоясига етди.

Учинчи куни кортларга биринчи ва иккинчи босқич ғолиблари чиқишди. Аввалги кунларга нисбатан шу куни «Динамо» теннис мажмуи томошабинлар билан гавжум бўлди. Баҳслар ҳам шунга яраша қизиқарли ўтди. Айниқса, чорак финалда Ҳ. Абдураимов ва Т. Жабборов ўртасидаги учрашув муросасиз кечди. Қизиқарлилиги жиҳатидан бу баҳс турнирнинг энг яхши учрашувларидан бири бўлди, дейиш мумкин. Унда Наманган вилояти ҳокими 6/4 ҳисобида ғалаба қозонди. Турнир олдидан ғолибликка асосий даъвогар эканлигини яширмаган республика «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов шу тариқа кучли тўртликдан ҳам ўрин ололмади.

Марказий кортда ўтказилган Р. Иноятов ва К. Тўлаганов ўртасидаги учрашув ҳам кўпчилик диққатини ўзига тортди. Бу учрашувда МХХ раиси 6/2 ҳисобида ғалаба қозонди. Шунингдек, Ф. Турсунов ва М. Усмонов ўртасидаги учрашувни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Тенг кураш остида ўтган бу учрашувда Бош вазир ўринбосари кўпроқ тер тўкиб, ғалабага эришди. Ушбу учрашувда кўп энергия сарфлаган М. Усмонов ярим финалда Ш. Каримовга қаршилик кўрсата олмади. Унда соғлиқни сақлаш вазири ғолиб чиқиб, финалга йўлланма олди.

Иккинчи финалчи Р. Иноятов ва Т. Жабборов ўртасидаги баҳсда аниқланди. Унда Наманган вилояти ҳокими муваффақият қозонди.

Ҳал қилувчи финал учрашуви, айтиш жоизки, турнирнинг энг узоқ вақт давом этган ва энг қизиқарли учрашуви бўлди. Ўтган йилги турнир давомида ҳам биз бундай муросасиз ва қизиқарли кечган учрашувнинг шоҳиди бўлмаган эдик. Умуман олганда, бу йилги баҳсларнинг барчаси савияси жиҳатидан ўтган йилги мусобақалардан юқори даражадалиги билан фарқ қилди. Бу қатнашчиларнинг турнирга жиддийроқ тайёргарлик кўришганидан далолат беради. Финал учрашуви бунинг яққол исботи бўлди. Учрашув тайбрейккача чўзилди ва соғлиқни сақлаш вазири Ўзбекистон теннис федерацияси президенти эканлиги бежиз эмаслигини исботлаб, 7/6 ҳисобида ғалабага эришди.

Турнирнинг ёпилиш маросимида қатнашчиларга жуда кўплаб мукофотлар топширилди. Хусусан, бош мукофот, яъни «Ҳавас» кубоги билан Ш. Каримов, иккинчи мукофот билан Т. Жабборов тақдирланди. Учинчи ўрин эса ярим финалда турнир ғолибидан мағлуб бўлган М. Усмоновга насиб этди ва Бош вазир ўринбосари ҳам махсус кубок билан тақдирланди. Мукофотларни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов топширди.

Шунингдек, барча қатнашчилар «Ҳавас» кубогининг рамзи акс эттирилган махсус мукофотлар билан тақдирланишди. Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг мукофоти эса «Ҳавас» кубоги иккинчи турнирининг юқори уюшқоқлик билан ўтказилишига катта ҳисса қўшган Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановга топширилди.

Шундан сўнг республикамиз оммавий ахборот воситалари таъсис этган мукофотлар улашилди. Жумладан, «Халқ сўзи» газетасининг «Томошабин меҳрини қозонган ўйинчи учун» соврини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалиловга топширилди.

Турнир «Динамо» клуби аъзоларининг спорт марши билан ўтиши орқали якунланди. Шундай қилиб, «Ҳавас» кубоги иккинчи турнири ҳам тарихга кўчди. Ўйлаймизки, пойтахт кортларида ўтказилган бу мусобақа шукуҳи соғлом турмуш тарзининг ташвиқотчиси сифатида вилоятларга, туманларга, қишлоқларга ва ҳар бир хонадонга кириб боради. Кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи турнирлар доим яшайверсин.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*БЛИЦ-ИНТЕРВЬЮ*

# ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

### «Ҳавас» турнири ғолиби, республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат КАРИМОВ билан суҳбат



**-- Шавкат ака, аввало, ғалаба билан табриклаймиз. Узлуксиз ўйинлар Сизни ҳоритмадими?**

-- Аввалги кунги учрашувларда рақибларим кучсизроқ бўлдими, ҳар ҳолда машғулотлардагидек бамайлихотир ўйнаган эдим. Лекин бугунги баҳслар, айниқса, финал учрашуви анча жиддий кечди. Ҳисоб 5/6 бўлганда, ютқиздим шекилли, деб ўйлагандим. Сўнгги дақиқаларда ҳарқалай омад мен томонда бўлди.

**-- Сиз ҳордиқ олиб, сув ичаётган пайтингизда томошабинлар орасида соғлиқни сақлаш вазири қувватни оширувчи бирор нима қабул қиляпти-ёв, деган мазмунда ҳазил-мутойибалар бўлди. Шундан сўнг кутилганидек, ўйинда бурилиш ясадингиз.**

-- Чарчаган пайтда оддий сув ҳам кишига қувват бағишлайди-да, ахир. Албатта, ҳазил-мутойиба ўз йўли билан, бироқ бу йилги турнирнинг жуда уюшқоқлик билан, байрамона кайфиятда ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Аввало, бу турнир Президентимиз ташаббуси билан юзага келган бўлиб, у кишиларни соғлом турмуш тарзи сари етаклашда беқиёс аҳамиятга эгадир. Турнир юртимиз спортининг, теннисининг ўзига хос тўйи бўлди, десак ҳам хато қилмаймиз. Зеро, тинч-осуда юртнинг ҳар бир куни халқ учун байрамга тенг. Юртимизда доим теннис ракеткаларидан тўплар отилаверсин. Теннис федерацияси раҳбари сифатида «Ҳавас» кубоги иккинчи турнирининг юқори уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Динамо» теннис мажмуи ходимларига, барча қатнашчиларга миннатдорчилигимни билдираман.

## Қисқа муддатли давлат облигацияларининг 22003 UMFS - чиқарилишини жойлаштириш тўғрисида

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан, 1997 йил 14 майда 6 ой муддат муомалада бўладиган давлат қисқа муддатли облигацияларининг учинчи чиқарилишини сотиш бўйича "Кимошди" савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 22003 UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 2 000 000 000 (икки миллиард) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;

г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1997 йил 12 ноябрь;

д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари - ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.

е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

"Кимошди савдоси" 1997 йил 14 майда, соат 10.00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

"Кимошди савдоси" Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 6-уйда, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилади.

*Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин:*

| | *Дилер* | *Манзил, телефон* |
|---|---|---|
| 1 | "Ўзсаноаткурилиш" банки | Тошкент ш., А.Тўқай кўч.,3. Тел.: 33-24-86,36-14-77. |
| 2 | Миллий банк | Тошкент ш., Охунбобоев кўч.,23. Тел.: 33-17-12. |
| 3 | Ўзпахтабанк | Тошкент ш., Муқимий кўч.,43. Тел.: 78-10-94,77-91-66. |
| 4 | Халқ банки | Тошкент ш., "Қатортол" кўч.,46. Тел.: 78-29-45,78-29-81,78-82-14. |
| 5 | Ғаллабанк | Тошкент ш., Лоҳутий кўч., 36.Тел.: 36-16-17. |
| 6 | "Турон" АТББ | Тошкент ш., Навоий кўч., 44.Тел.: 42-23-85. |
| 7 | Ўзприватбанк | Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 24. Тел.: 34-64-88. |
| 8 | "Ипак йўли" АИТБ | Тошкент ш., Фарҳод кўч.,12а.Тел.: 76-89-73. |
| 9 | Тошуйжойжамғармабанк | Тошкент ш., Пушкин кўчаси,17. Тел.: 36-33-31,36-32-31,33-29-57,33-11-22. |
| 10 | Алоқабанк | Тошкент ш., Толстой кўч.,1.Тел.: 36-10-21. |
| 11 | Трастбанк | Тошкент ш., Навоий кўч.,7.Тел.: 41-01-10. |
| 12 | Андижонбанк | Андижон ш., Бобур шоҳ кўч.,85. Тел.: 45-33-69 (Тошкент),4-36-88 (Андижон). |
| 13 | Асакабанк | Тошкент ш., "Нукус" кўч.,67. Тел.: 54-04-50,54-18-74. |
| 14 | АБН АМРОБАНК | Тошкент ш., Ҳ Олимжон майдони, "Бизнес-комплекс",4-подъезд,тел.:32-00-76,32-00-70. |
| 15 | ЎзДЭУбанк | Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 1. Тел.: 42-22-60, 44-33-94. |

## БОТИР ТОЛИБОВИЧ ВОХИДОВ

Республикамизнинг таниқли иқтисодчи-статистиги Ботир Толибович Воҳидов 1997 йил 6 май куни 58 ёшида тўсатдан вафот этди.

У меҳнат фаолиятини 17 ёшида бошлади. 1962 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини битирди. 1971 йили иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Иқтисодиёт илмий-тадқиқот институтида, Енгил саноат вазирлигида, Ахборот-ҳисоблаш маркази директорининг ўринбосари лавозимида ишлади.

Б. Т. Воҳидов 1992 йилда Статистика давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, кейин Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг бозор муносабатлари ўқув-консалтинг маркази проректори бўлиб ишлади ва қизғин илмий-педагогик ҳамда ташкилий фаолият олиб борди.

Ботир Толибович ўзи ишлаган ҳамма масъул лавозимларда ташкилотчилик қобилиятини ва билимдонлигини намоён этди. Чуқур билимга эга бўлиб, долзарб муаммоларни тез илғаб оларди, уларни ҳал этишга бутун куч-ғайратини сафарбар этарди. Иродали, кишиларга нисбатан эътиборли ва ғамхўр эди, муносиб обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор эди.

Сафимизда у ана шундай нуфузли инсон эди. Хотирамизда ҳам шундай сақланиб қолади.

**БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.**

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва Бош ҳисоблаш маркази «Ўзистиқболстат» БҲМи собиқ бош директори **Ботир ВОҲИДОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси қўмита раиси У. Т. Воҳидовага акаси **Ботир ВОҲИДОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси институт бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори С. Воҳидовага умр йўлдоши **Ботир ВОҲИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника жамоат ташкилотлари ва институтнинг иқтисодиёт назарияси кафедраси жамоаси шу кафедра мудири, профессор Саноат Воҳидовага турмуш ўртоғи **Ботир ВОҲИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.


# АПКАЛ-Г

*самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиш мумкин:*

- суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;
- тиш эмалини мустаҳкамлаш;
- аллергия хасталиклари ва рахитнинг олдини олиш.

*Меъёри: кунига икки маҳал бир таблеткадан.*




*сурхан аджанта фарма лимитед*


*Газетанинг навбатдаги сони 13 май сешанба куни чиқади.*


## РАНГ-БАРАНГ, ЁҚИМЛИ ҚЎШИҚЛАР



# CD+OK



## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | "Эскижўва" кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | "Мустақиллик" кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

**CD+OK тизимида CD-ROM компакт-дискларнинг энг янги технологияси қўлланилади. 1 та дискда энг оммавий 800 та рус тилида ва 277 та инглиз тилидаги қўшиқ бор бўлиб, уларга хилма-хил рангли тасвирлар илова қилинади.**

Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Бойхон қизи.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0298 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. **Босишга топширилди — 21.40** 1 2 3 4 5 6